**“САБР” РЕСПУБЛИКА ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИ**

**SABR**

**“SABR” NATIONAL CENTER FOR SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT**

**2-A, Bahodirkhon str., Samarkand city, Republic of Uzbekistan. Tel.( 998- 66) 233-66-66, 233-76-90 (fax) , e-mail: sabrcenter@gmail.com, www.sabr.uz**
**O'zbekiston Respublikasi , Samarkand shahri , Bahodirkhon ko'chasi 2-A uy. Tel.( 998-66) 233-66-66, 233-76-90 ( fax), e-mail: sabrcenter@gmail.com, www.sabr.uz**

**№ 29 -сонли**
**2024 йил 16 апрель**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Камбағалликни қисқартириш ва**
**бандлик вазирлигига**

# Ижтимоий буюртма хисоботи

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ариза берувчи ННТнинг номи | “САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази |
| 2. | Ташкилот раҳбари,<br>Бош ҳисобчи | Ширинова Мавлюдахон Расуловна-ташкилот раҳбари<br>Бердиев Жасур-бош ҳисобчи |
| 3. | Шартнома рақами | ОФ-282-С3/23 29.12.2023 й. |
| 4. | Лойиҳа номи | “Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг Маҳаллий Ривожланиш Марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни самарадорлигини ошириш орқали узоқ қишлоқ ҳудудларида яшовчи ижтимоий ҳимояга мухтож кам таъминланган аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларда касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва улар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишдаги ижтимоий ҳамкорлик ”. |
| 5. | Ҳудуд | Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари |
| 6. | Лойиҳани амалга ошириш муддати | 2024 йилнинг 1 январьдан - 2024 йилнинг 30 декабригача /12 ой/ |

| | | |
|---|---|---|
| 7. | Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакли (грант, субсидия, ижтимоий буюртма) | Ижтимоий буюртма |
| 8. | Ажратилган маблағ | 2 000 000 000 сўм |
| 9. | Ҳисобот даври | **1-чорак** (2024 йилнинг 4 январдан - 2024 йилнинг 30 мартгача /3 ой/) |

## ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакли (грант, субсидия, ижтимоий буюртма)** | **Ижтимоий буюртма** |
| 2. | **Ажратилган маблағ** | **2 000 000 000 сўм** |
| 3. | **Амалга оширилган фаолият** | *Лойиҳа аризасида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун, лойиҳани бажариш жараёнида қандай ҳаракатлар амалга оширилганини ёзинг. Лойиҳа доирасида нима ишлар қилинганлигини батафсил ёзинг (масалан, конференция, семинар-тренинг, давра-суҳбатлар ташкил этилди, асбоб-ускуналар сотиб олинди ва бошқа). Лойиҳани календар режа асосида амалга оширилганлигини таҳлил қилинг.*<br>➢ Лойиҳани амалга ошириш даврида манфаатдор томонлар ва ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва келишувлар ишлаб чиқилиб, имзоланди. Шу жумладан, Давлат ижтимоий буюртмасини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда **“САБР” Республика ижтимоий - иқтисодий ривожланиш маркази** ўртасида шартнома имзоланди. Лойиҳада белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бир қатор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликларни йўлга қўйиш бўйича мурожаат хатлари юборилди, шу жумладан:<br>• Қорақалпоғистон Республикаси бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлиги, Нукус шахар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, Чимбой ва Қунғирот туманлари ҳокимликлари;<br>• **Андижон вилояти** бўйича, **Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Хузуридаги Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси, Андижон вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Андижон вилояти ҳокимлиги, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси** билан лойиҳа доирасида ишсиз хотин-қизларни ва ёшларни бепул касб-ҳунар ўрганиши учун қисқа муддатли курсларга жалб қилишда ҳамкорлик бўйича;<br>• Бухоро вилояти бўйича, **Бухоро вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси**, вилоятнинг Жондор ва Ромитан туманлари ҳокимликлари, туман Оила ва хотин - қизлар қўмиталари, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик |

| | | |
|---|---|---|
| | | марказлари, Бухоро вилояти “Инсон” ижтимоий миллий агентлиги бошқармаси билан туманларда курсларни ташкиллаштириш учун хоналарни ажратиш ва аҳолини қисқа муддатли курсларга жалб қилиш бўйича ҳамкорлик юзасидан учрашувлар ва мурожаатлар амалга оширилди.<br>Учрашув натижаларида ижтимоий буюртмани бажариш ҳақида маълумотлар тўлиқ берилди ва ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар бўйича бирга ишлашга келишиб олинди. |
| | | ➢ 2024-йил январь ойида зарур жиҳоз ва асбоб- ускуналарни харид қилиш бўйича тендер ўтказилди, февраль ойида ушбу жиҳоз ва асбоб-ускуналар харид қилиниб, вилоятларга етказиб берилди.<br>➢ Шу билан бир қаторда барча мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги натижасида 2024 йил январ-феврал ойлари давомида Андижон вилояти Андижон шаҳридаги “Ишга мархамат” Мономарказнинг 4-қаватидан САБР РИИРМнинг Маҳаллий Ривожланиш Маркази учун 7 та хона ажратилди. Хоналар мавжуд жихозлар билан жихозланди. Марказга уч фазали электр тармоғи ўтказиш учун керакли маҳсулотлар сотиб олиниб, таъмирлаш ишлари амалга оширилди.<br>Бухоро вилоятининг Жондор ва Ромитан туманида курслар учун ўқув хоналар ажратилди, барча хоналар жиҳозланиб, ўқув жараёнига тайёрланди.<br>Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Ата-макан МФЙ биносида, Қўнғирот тумани 4- сектор биносидан ва туман ёшлар маркази биносидан курсларини ташкиллаштириш учун ўқув хоналари ажратилди. |
| | | ➢ Январь-февраль ойлари давомида вилоят ва туманлардаги маҳаллаларда аҳоли билан ахборот учрашувлари ўтказилиб, мақсадли гуруҳлар саралаб олинди, шу жумладан **Андижон вилоятининг** Андижон шаҳар ва Андижон, Асака, Пахтаобод, Олтинкул туманларидаги Пистамозор МФЙ, Сув юлдуз МФЙ, Бойкечек, Ёлғизбоғ ва Икбол МФЙлардан ташриф буюрган ишсиз хотин –қизлари билан учрашувлар ўтказилди.<br>**Бухоро вилоятининг** Ромитан ва Жондор туманидаги Жондор туманидаги Ойтуғди МФЙ, Шўробод МФЙ, Қалмоқ МФЙ, Зарафшон МФЙ, Навгади МФЙ, Хумдонак МФЙ, Жондор МФЙ, Тинчлик МФЙ, Пахтакор МФЙ,Алили МФЙ, Арабхона МФЙ, Дарвеш МФЙ таклиф қилинган хотин-қизлар билан мулоқот ўтказилди, ўқув йўналишлари ҳақида ахборот берилди, иштирокчилар гуруҳлари шакллантирилди.<br>**Қорақалпоғистон Республикасида** ижтимоий буюртма лойиҳаси ҳақида жойларда тарғибот қилиш ва лойиҳа иштирокчиларини танлаб олиш мақсадида сўровнома ўтказиш учун бир нечта маҳаллаларда, **Нукус шаҳридаги:** “Қутлы қоныс”, “Ботаника”, “Айдын жол”, “Хаўа жолы”, “Теле орай”, “Алтын жағыс”, “Жеке терек”, “Гөне қала”, “Ғарессизлик”, “Ақ жағыс”, “Шымбай шайхана”, “Тынышлық”, “Қызылқум” махаллаларида, **Қунғирот туманидаги:** “Наўайи”, “Адебият”, “Хаким ата”, “Канлы”, “Таллык”, “Туркистан”, “Гуль абат”, “Раушан”, “Алмазар”, “Азатлық” махаллаларида, **Чимбой** |

| | | |
|---|---|---|
| | | **туманидаги:** “Темир жол”, “Каракол”, “Тазгара”, “Абат”, “Жипек жол”, “Кырык кыз” учрашувлар ўтказилди.<br><br>Ҳисобот даврида - лойиҳани амалга ошириш учун:<br>• 3 та ҳудудий координатор, 3 та ҳудудий администратор, 26 та касбий йўналишлар бўйича устозлар, 6 та тренерлар ва 2 та консультантлар танлаб олинди, улар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ишлаб чиқилиб имзоланди;<br>• Тадбиркорлик асослари, молиявий ва хуқуқий саводхонлик, солиққа тортиш, бухгалтерия асослари бўйича 35 соатлик тренинглар дастури ва модуллари ишлаб чиқилди;<br>• 16 та касбий йўналишлар бўйича 128 соатлик ўқув модуллари ишлаб чиқилди ва тўлдирилди:<br>▪ тикувчилик иши<br>▪ қандолатчилик иши<br>▪ сартарошлик иши<br>▪ компьютер саводхонлиги<br>▪ массаж уқаловчи<br>▪ бигиз каштаси<br>▪ попопчилик<br>▪ қош устаси иши<br>▪ энага ва уй хамшираси<br>▪ кейтринг<br>▪ миллий кийимлар<br>▪ каштачилик ва сувенир махсулотлари<br>▪ гилам тўкиш<br>▪ қурок амалий санъати<br>▪ қора уй накш безаклари<br>▪ иссиқхона иши<br>• Қисқа муддатли курсларнинг машғулотлар графиги ва дарс жадвали тузилди;<br>• Курслар бўйича тингловчилар гуруҳлари шаклланиб ўқув жараёни бошланди. |
| | **Лойиҳа доирасида жами касбий кўникмаларга ўқитиш натижалари** | Ҳисобот даврида “САБР” РИИРМ томонидан касбий қисқа муддатли курсларнинг биринчи цикли учун жами **460 нафар** хотин-қизлар, ёшлар ва нигоронлиги бўлган фуқаролар жалб қилинди, шу жумладан:<br>• ижтимоий буюртма лойиҳаси доирасида **228 нафар**<br>• “САБР” РИИРМ ўз улуши ҳисобидан – **232 нафар** тингловчилар касбий кўникмаларга ўқитилди. |
| 4. | **Лойиҳа фаолияти давомида эришилган натижалар** | **Лойиҳа давомида эришилган натижаларни батафсил ёзинг. Лойиҳада белгиланган муаммо ечими бўйича шароит ўзгарганлигини қиёсий таҳлил қилинг. Лойиҳа аризасида режалаштирилган барча натижаларга эришилдими ёки йўқми? Барча режалаштирилган натижаларга эришилмаган бўлса нима учун батафсил ёзинг.**<br><br>Лойиҳада белгиланган мақсад ва натижаларга эришиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар (ҳаракатлар) режасига асосан касбий қисқа муддатли курсларнинг биринчи цикли учун март-апрель ойида **жами 228 нафар** тингловчилар жалб қилинди, шу жумладан: |

Андижон вилоятида - **74 нафар**,
Бухоро вилоятида - **73 нафар**,
Қорақалпоғистон Республикасида - **81 нафар**

**Тингловчилар таркиби:**

- **Гендер тақсимоти**: 226 нафар - аёл , 2 нафар - эркак
- **Ногиронлиги бўлган шахслар:** 2 нафар
- **Аёллар дафтарига киритилган тингловчилар:** 74 нафар
- **Ёшлар дафтарига киритилган тингловчилар:** 43 нафар

Қуйидаги йўналишлар бўйича касбий қисқа муддатли курслар ташкиллаштирилди:

- Тикувчилик - 41 нафар
- Сартарошлик - 24 нафар
- Қандолатчилик - 10 нафар
- Компьютер саводхонлиги - 37 нафар
- Бигиз каштаси - 10 нафар
- Массаж укаловчи - 10 нафар
- Попопчилик - 10 нафар
- Кейтеринг иши - 15 нафар
- Бровист иши - 14 нафар
- Миллий кийимлар - 27 нафар
- Каштачилик ва сувенир махсулотлари - 8 нафар
- Гилам тўқиш - 10 нафар
- Қора уй нақиш безаклари - 12 нафар

Тингловчиларни касбий кўникмаларга ўргатиш билан бирга уларни келгусида ўз тадбиркорлигини бошлаши учун ўзида бўлган ишончини оширишига қаратилган бизнес, тадбиркорлик асослари, молиявий ва ҳукукий саводхонлик, солиққа тортиш, бухгалтерия асослари бўйича **35 соатлик** тренинглар ўтказилиши йўлга қўйилди. Хар бир тингловчи тренинг машғулотларида иштирок этиб, гендер тенглиги, тадбиркор аёл тушунчалари ҳақида, ўзининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширди, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўзига хос томонлари билан танишдилар, шу жумладан бозорни таҳлил қилишни ва шунга асосан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, “маркетинг” бўйича, “тадбиркорлик” учун имтиёзли кредитлар, субсидия олишда эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар ҳақида маълумотларга эга бўлишди ҳамда бизнес режанинг аҳамияти ҳақида, молиявий мақсадларни тўғри қўйиш, даромадларни кўпайтириш ва харажатларни камайтириш бўйича билим ва кўникмаларини оширишди.

- Ҳисобот даврида вилоятлардаги консультантлар томонидан тигловчилар учун қуйидаги масалалар юзасидан маслахатлар берилди:

**Қорақалпоғистон Республикасида** дизайнер-консультант томонидан таълим олаётган гуруҳларда Замонавий аёллар кийми курси учун “Замонавий аёллар кийми дизайни” мавзусида, миллий кийимлар курси учун қорақалпоқ миллий либослари: “Кок койлек”, “Бишпент”, “Ак жегде”, “Кызыл кимешек”,

"Шапан", "Ак кимешек" бўйича, миллий каштачилик курси учун Қорақалпоқ миллий нақшлар «Кошкар муйиз» ва «Сегиз муйиз» бўйича "МАХОРАТ дарслари", миллий кийим қуроқ санъати курси учун "Қуроқ миллий санъати билан танишув" мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

**Бухоро вилояти бизнес-консультант** томонидан 35 нафар хотин-қизларга консультациялар берилди. Тадбиркорлик фаолиятини очишда руйхатдан ўтиш, тадбиркорликнинг шаклини танлаш, хусусий ёки оилавий корхонани юритиш бўйича тавсиялар, тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш билан боғлик солиқ тўловлари ва имтиёзлари, ўйида тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ (аёллар салони, қандолатчилик), ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозорга чиқариш, кредит, субсидия олиш масалалари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, қўшимча асбоб - ускуналарни имтиёзли (субсидия, кредитга) олиш бўйича маслаҳатлар ва йўл йўриқлар кўрсатилди.

















Шунингдек, "САБР" РИИРМ ташкилотининг шахсий улуши сифатида Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Ургут туманларида аҳоли учун Мобил акселерацион курслар бевосита маҳаллаларда ташкиллаштирилиб, ҳар бир туманда 4та касбий йўналишлар бўйича қисқа муддатли касбий курсларда ўқишлар олиб борилмоқда. Ҳисобот даврида, Оқдарё ва Ургут туман ҳокимликлари ҳамда Оқдарё туманининг Авазали МФЙ Ургут туманинг Қуйи алгар МФЙ билан ҳамкорлик ҳақида меморандумлар имзоланди. Ҳамкорлик натижасида Оқдарё туманидаги Авазали МФЙда жойлашган 56-сонли урта таълим мактаб биносида, Ургут тумани Қуйи алгар МФЙда жойлашган 28-сонли мактаб биносида Мобил Акселерацион курслар учун хоналар ажратилди. Махалларарда аҳоли билан ахборот

учрашувлар ўтказилиб, лойиҳада белгиланган мақсад ва вазифалари ҳақида ахборот берилди. Окдарё ва Ургут туманларининг «Авазали», «Миёнкол», «Учтепа», «Истиклол», “Қуйи алгар” МФЙ аҳолиси, хотин-қизлар ва ёшлари мазкур курсларга жалб қилинди. Самарқанд вилояти бўйича – **232 нафар тингловчилар** ўқитилди, шу жумладан:

**Окдарё туманида** – 126 нафар тингловчи
**Ургут туманида** - 106 нафар тингловчи.

**Тингловчилар таркиби:**

- **Гендер тақсимоти**: 211 нафар - аёл , 21 нафар - эркак
- **Ногиронлиги бўлган шахслар:** 12 нафар
- **Аёллар дафтарига киритилган тингловчилар:** 11 нафар
- **Ёшлар дафтарига киритилган тингловчилар:** 8 нафар
- **Темир дафтарига киритилган тингловчилар:** 7 нафар

Касбий йўналишлар бўйича тингловчилар тақсимоти:

| | |
|---|---|
| Тикувчилик курси | - 68 нафар |
| Сартарошлик курси | - 56 нафар |
| Кандолатчилик курси | - 61 нафар |
| Компьютер саводхонлиги курси | - 47 нафар |
| **Жами:** | **- 232 нафар** |

Касбий кўникмаларни эгаллаш билан бир қаторда курслар тингловчилари учун тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқий ва молиявий саводхонлик, гендер тенглиги бўйича тренинглар ўтказилди.

Иштирокчилар учун ҳуқуқий масалалар бўйича юрист-консультант маслаҳатлари ўтказилди.







| | | |
|---|---|---|
| | |     |
| 5. | **Лойиҳа материаллари** | *Ҳисоботнинг мазкур банди лойиҳангиз мавзусидан келиб чиқиб тўлдирилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида қандай интеллектуал ва моддий маҳсулотлар ишлаб чиқилди: ўқув курслари, дастурлар, брошюралар, методик ишланмалар, видео, аудио материаллар, ОАВларида (газета, журналлар) чоп этилган мақолалар нусхаси ва бошқа, шунингдек, имкон қадар сайтни кўрсатиб ўтинг.*<br>• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис хузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган “САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш марказининг мазкур ижтимоий буюртма бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ФМ 100.4 радио каналига ҳамда Бухоро вилояти Жондор туман хотин-қизлар бўлими телеграмм каналига эълон берилди. https://t.me/boost/buxorokuzgusi<br>• Ургут тумани «Ургут садоси» газетасида “САБР” маркази янги лойиҳалар билан» ва Окдарё вилоятининг «Окдарё овози» газетасида «Хотин-кизлар ва ёшлар «САБР» маркази эътиборида» номли мақолалари чоп этилди. https://t.me/oqdaryoovozi1931 |
| 6. | **Муаммолар** | *Лойиҳани амалга ошириш жараёнида қандайдир муаммога дуч келдингизми? Натижада ҳаракат дастурига ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлдингиз. Агар шундай бўлса, қандай муаммога дуч келганингиз ва ҳаракат дастурига киритилган ўзгартиришлар ҳақида ёзинг.*<br>Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро вилоятлардаги тингловчиларни sertifikat.uz платформасига рўйхатга киритиш муаммолари.<br>Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ажратилган жойга, яни Ромитан тумани “Ишга мархамат” Мономарказига аҳолини етиб келиш муаммоси юзага келганлиги ва кам таъминланган аҳоли учун йўл харажатлари қимматлиги сабабли, мазкур туманда ўқув курсларини бошлашнинг имконияти бўлмади. Ушбу масалани ҳал қилиш борасида Ромитан туман хокимлиги билан музокаралар |

| | | |
|---|---|---|
| | | олиб борилмоқда, Ромитан тумани Афросиёб МФЙда жойлашган “Бандлик маскани” хоналари ажратилди. |
| 7. | **Молиявий барқарорлик ва ташкилотнинг узоқ муддатли режалари** | Фикрингизча, ташкилотингиз қачонгача ташқаридан ёрдамга муҳтож бўлади? Лойиҳани давом эттириш борасидаги режаларингиз. Истиқболдаги режаларингиз? (0.5 варақдан ошмаслиги лозим)<br>1. «САБР» РИИРМ ташкилоти ижтимоий буюртмаларни бажариш учун ягона Ижтимоий Йўналтирилган ННТлар тармоғини яратиш учун етарлича тренерлар, устозлар ва бошқарув кадрлардан, модуллар ва ҳ.к. иборат механизмини яратиш устида фаолият олиб бормоқда, бунинг учун энг камида яна 3-5 йил мобайнида ташқаридан ёрдамга мухтож.<br>2. Жиҳозланган Маҳаллий Ривожланиш Марказлари ва Қишлоқ ахборот ресурс марказлари ва (ҚАРМ)ларда камбағал бўлган аҳолини касбий кўникмаларга ўқитиш давом эттириш режалаштирилган.<br>3. “САБР” РИИРМ Ижтимоий Йўналтирилган ННТлар билан ҳамкорликда яратилаетган “ЁПИҚ ЭКОТИЗИМ” натижаларини ва механизмини жамоат ташкилотлари ва давлат ташкилотларига тақдим этиш. |
| 8. | **Жамоат фонди билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларингиз.** | Ижтимоий буюртмалар ижросини 3 йил муддатга узайтириш. |

**Ташкилот раҳбари:** «SABR» **Ширинова М.Р.**

**Муҳр ўрни**

RESPUBLIKA IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISH MARKAZI «SABR»

**"SABR MIKROMOLIYA TASHKILOTI" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI**

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ "МИКРОФИНАНСОВАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ САБР"**

---

**O'zbekiston Respublikasi , Samarkand shahri , A. Baxodirxon ko'chasi 2A uy. Tel.( 998-66) 233-71-87, e-mail: sabr_mikrokredit@mail.ru , http://www.sabr.uz**
**Республика Узбекистан, город Самарканд, улица А. Баходирхон дом 2А. Тел.( 998-66) 233-71-87, e-mail: sabr_mikrokredit@mail.ru, http://www.sabr.uz**

**№ 75**
**«16» апрель 2024 й.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Камбағалликни қисқартириш**
**ва бандлик Вазирлигига**

"SABR MIKROMOLIYA TASHKILOTI" МЧЖ нинг Жаҳон банки кўмагида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлиги томонидан амалга оширилаётган (21 декабрь 2021 йилги, Credit No. 6446-UZ, Contract No. SSPS/QCBS/2-3-сонли) "Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш" Лойиҳаси доирасида тадбиркорликка ўқитилган аҳоли сони 12.02.2024 -13.04.2024й. даврда вилоятлар кесимида қуйидагиларни ташкил қилди:

Фарғона вилояти – 214 нафар
Наманган вилояти – 182 нафар
Навойи вилояти -152 нафар
Андижон вилояти – 150 нафар
Тошкент вилояти – 158 нафар
Бухоро вилояти – 156 нафар
Жиззах вилояти -150 нафар
Қашқадарё вилояти -121 нафар
Самарқанд вилояти – 121 нафар
Сирдарё вилояти- 118 нафар
Қорақалпоғистон Республикаси – 120 нафар
Хоразм вилояти – 120 нафар
Тошкент шахри – 96 нафар
Сурхондарё вилояти – 60 нафар

ЖАМИ ЖБ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЎКИТИЛГАН АҲОЛИ СОНИ – 1918 НАФАР

«SABR MIKROMOLIYA TASHKILOTI»
МЧЖ директори: Худоёров С.Б.